



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат бюджетининг
биринчи ярим йилликдаги
ижроси кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети 2013 йил биринчи ярим йиллигида Олий Мажлис томонидан маъқулланган кўрсаткичларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 18 январь кунини Хукумат мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадга мувофиқ амалга оширилган ҳолда ижро этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, ҳукумат биринчи ярим йилликда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва макроиқтисодий барқарорлиқни сақлашга муваффақ бўлди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиёт барча соҳаларининг, шу жумладан саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана товар айланмаси ва хизматлар ҳажмларининг юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Яппи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди.

Мажлисида қайд этиб ўтилдики, асосий эътибор ҳисобот даврида ижтимоий соҳани молиялаштиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ижтимоий кўллаб-қувватлашга, биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилиб, ушбу харажатлар ҳисобот даврида Давлат бюджети умумий харажатларининг 60,9 фоизини ташкил этди.

Мамлакатда қабул қилинган иқтисодий ривожлантиришнинг ўзини-ўзи хос ва мос моделини ва унинг асосида ишлаб чиқилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган дастур принципларини изчил рўйбга чиқариш туфайли 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор юқори ўсиш суръати ва иқтисодиётнинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланганлиги таъкидланди. Мамлакатни ривожлантириш, яъни таълим ва модернизация қилишнинг Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тўғри танланган стратегияси туфайли Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга муваффақиятли қарши курашишга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва халқ фаровонлигининг ошишини таъминлашга муваффақ бўлди.

Кун тартибидagi масалани кўриб чиқиш чоғидаги баҳс-мунозаралар жараёнида депутатлар бюджет кўрсаткичларининг ижроси бўйича вазирликлар ва идоралар фаолиятида қайта кўриб чиқишни ёки янада такомиллаштиришни талаб қилаётган масалалар мавжудлигини қайд этдилар. Жумладан, мажлисида таъкидландики, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қону-

ни талаблари бузилган ҳолда бир қанча муассасаларда маблағларни мақсадсиз сарфлаш ҳоллари ҳамон юз бермоқда, молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда. Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди, муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Хусусан, ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ва унинг фаровонлигини оширишга, ижтимоий кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга талай маблағлар ажратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 554 мингтадан ортиқ иш ўринларини ташкил этиш имконини берди, бу иш ўринларининг 60,3 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Шунингдек, аҳоли даромадларига солинадиган солиқ юкини камайтиришга доир чора-тадбирларнинг давоми сифатида 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг энг паст ставкаси камайтирилди, лекин ушбу тадбир бюджет даромадларининг камайишига таъсир кўрсатмади, аксинча, янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳисобига тушум ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 фоиз кўпайди.

ЎзХДП фракциясининг вакиллари аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилган маблағлардан манзилли ва мақсадли фойдаланилиши устидан доимий мониторинг ўрнатиш муҳимлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан депутатлар ушбу тоифадаги шахсларни манзилли кўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирдилар. Бюджет даромад қисмининг сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизматининг расмий ахбороти асосида тайёрланди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК:

ижтимоий муҳофаза кафолатлари мустаҳкамланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг нуктаи назарларидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда.)

ОЧИҚЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШдемократик тараққиётга
хизмат қилади

Бу тадбир давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффоғлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқишда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

⇒ 2

Мен нега ЎзХДПни
танладим?

Моҳирахон АХМЕДОВА,
Андижон шаҳридаги
1-туғруқ мажмуасининг
олий тоифали шифокори,
акушер-гинеколог,
ЎзХДП аъзоси:

— Ўн уч йилдан буён тиббиёт соҳасида меҳнат қиламан. Инсон ўзи ўйлаган эзгу ниятларини рўйбга чиқариши учун кўпчилик бўлиб, гоёдошлар бирлашиб курашиши кераклигини англадим. Юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг дастурлари билан бирма-бир танишдим. ЎзХДП дастурида ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани менга маъқул бўлди. Шунинг учун айнан ХДП сафида бўлишни истадим.

ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши фаоллари билан суҳбат-

лашганимда таассуротларим янада бойиди. Партиянинг ғоялари, амалга ошираётган ишлари сиёсий қарашларимга мос экан. Яқинда ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан вилоятимизда ташкил этилган партия фаолларининг давра суҳбатида қатнашдим. Унда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан фаол ишлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан депутатлар ташаббускорлигини ошириш масаласи муҳокама этилди. Тадбир якунида бир гуруҳ ёшлар қатори менга ҳам ЎзХДПга аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Бугун зиммамдаги масъулиятни ҳис этиб турибман. Мен энди сиёсий партия аъзосиман, партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилиш борасида билим ва тажрибамни аямай меҳнат қилишга ҳамда ўз таклифларимни илгари суришга ҳаракат қиламан.

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ



Жиззах вилояти, Бахмал тумани ўзининг гўзал табиати, сархил мевалари, айниқса, олма-ю ўзумлари билан донг таратган. Яқинда тумanning Тонготар қишлоғида «Ташкентино» комбинатида қарошли мewa, сабзавот ва узумдан мурabbo, шарбатлар тайёрлайдиган корхона ишга тушди.

Замонавий хориж технологияси ўрнатилган, лойиҳа қиймати 3,5 миллиард сўмлик ушбу корхона йилига 4 минг тоннадан зиёд маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона цехларида киш-

лоқнинг 140 нафар аҳолиси, асосан хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари меҳнат қилмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Соғлом
турмуш тарзитараққиёт ва
барқарорлик омилиЎқувчиларимнинг
муваффақияти —
менинг бахтим

Этироф

«Мовий шаҳар»
Самарқандга саёҳат

«Шарқ тароналари» IX мусиқа фестивали иштирокчиси, испаниялик машҳур хонанда Ана Алкауденинг Самарқанд ва фестивал ҳақидаги дил сўзлари

«Мовий шаҳар» Самарқандга саёҳат

«Шарқ тароналари» IX мусиқа фестивали иштирокчиси, испаниялик машхур хонанда Ана Алкаиде Самарқандни ана шундай таърифлаган

Эътироф



Фестиваль якунланган бўлса-да, унинг таассуротлари, ҳаяжони ҳали-ҳануз босилгани йўқ. Буни иштирокчиларнинг дил сўзларидан ҳам билса бўлади. Гарчи фестивалда совриндор бўлма-да, Ана Алкаиде Европа мусикасининг моҳир ижрочиси сифатида томошабинлар кўнглидан жой олди. Хонанда ватанига қайтгач, юртимиз, Самарқанд ва «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги фикрларини ўз сайтида эълон қилди.

— Мадрид орқали Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шахрига учдик, — дейди испаниялик хонанда. — У ерда бир қанча вақт бўлганимиздан кейин «Шарқ тароналари»

Халқаро мусиқа фестивали ўтказилган Самарқандга бордик. Бизнинг Осиёдаги саргузаштларимиз шу тариқа бошланди. «Шарқ тароналари» дунё халқла-

рининг қадимий қўшиқ ва мусикаларини, урф-одат ва анъаналарини, асрлар давомида шаклланган маданиятини сақлаб қолишга, намойиш этишга, бир-бирига янада яқинлаштиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини уйғотишга хизмат қилиб келмоқда.

«Шарқ гавҳари» номи билан улуғланган Самарқанд дунёдаги энг чиройли тарихий шаҳарлардан бири эканлигини эшитгандим. Ўзбекистонда бўлганлар мени у ерда мўъжизалар кутаётганини айтишганди. Фестивалда қатнашиш учун тақлифномани қўлимга олган онимданок сабрсизлик билан Ўзбекистон сафарини кутдим!

«Шарқ тароналари» фестивали мусиқа садолари остида бутун дунёга эзгулик, тинчлик, ўзаро аҳилликни тараннум этмоқда. Биз бутунлай бошқа оламда бўлдик. Ўзбекистонда ўзимизни синаш ва тажриба орттириш имконияти пайдо бўлди. Гоҳида юксакликларни забт этиш учун баландроқни қўлашга тўғри келади.

Мен Ўзбекистонга, Самарқандга, «Шарқ тароналари» фестивалига боришни орзу қилардим. У ердан жуда катта ғоялар ва ўшқин илҳом билан қайтдим.

Менга фестивалнинг тақлифномаси ва Мадрид — Тошкент — Мад-

рид йўналиши бўйича учадиган самолёт авиачиптасини беришди. Бари худди тушга ўшарди. Самарқанд — мовий шаҳар. У ердаги қадимий обидалар сизни сеҳрлаб қўяди. Самарқанд — китобларда таърифланган орзулар шахри. Менинг юрагим ҳали ҳам Самарқандда, ортга қайтгани йўқ.

Биз дунёнинг энг нуфузли фестиваллари қаторига кирадиган «Шарқ тароналари»да эллиқдан ортиқ давлатдан келган санъаткорлар ичида Испания номидан чиқиш қилдик. Бу воқеа дунёнинг энг гўзал манзили бўлган Самарқанддаги Регистон майдонида юз бергани — менинг бахтим. Фестивалда иштирок этган барча санъаткорларнинг бахти. Тадбир бизга жуда ҳам маъқул бўлди. Фестиваль давомида дунёнинг турли давлатларидан келган санъаткорлар билан танишдик, фикр алмашдик.

Самарқандга саёҳат — худди тиррик тарихни ўз кўзин билан кўришдек гап. Сайр қиларкансиз, XV-XVI асрга бориб қолганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Такрорланмас воқеаларнинг гувоҳига айландик, ўз мусикамизни тақдим этдик. Ўзбек халқи... Бундай кўнгли очик одамларни илгари кўрмагандим. Ажойиб санъатсевар инсонлар даврасида бўлдик, турли қўшиқларга рақсга тушдик, узундан-узқ сўхбатлар кўрдик. Ўзбекистон, Грузия, Мадагаскар, Озарбайжон, Эрон, Хиндистон, Бангладеш, Буюк Британия, Буркина-Фасо, Таиланд, Миср, Туркменистон, Австрия,



Италия ва Франциядан келган санъаткорлар менда катта таассурот қолдирди.

Ҳаётимиз давомида кўпинча атрофни кузатмаймиз. Дунё халқларининг маданияти, бугунги тараққиётдан беҳабаримиз. Марказий Осиёга қилган сафарим, Ўзбекистонда ўтказган вақтим давомида у ердаги аҳолининг турмуш тарзи билан ҳам яқиндан танишдим, Ўзбекистонни ўзим учун кашф этдим. Тинч-осойишта мамлакат. Шаҳарлари чиройли, тоза. Бу юрда тарих ва келажакнинг уйғунлиги гувоҳ бўлди. Одамлар ўзлари истоганга эркин яшашмоқда. Испания билан Ўзбекистон ўртасида минглаб километр масофа бўлса-да, қандайдир яқинлик сездим.

Мендаги бу ҳиссиёт, Самарқанд соғинчидек ажойиб кечинмалар яна қачондир такрорланишини жуда-жуда истардим...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АбЗАМ тайёрлади.

Ўзбекистон XXII миллий чемпионати

голиб ва совриндорлари номи яна етти турдан сўнг маълум бўлади

Олий лига жамоалари ўн тўққизинчи тур ўйинларини ўтказди. Турнинг марказий баҳси Қаршида «Насаф» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечди. Учрашув олдидан кўпчилик мезбонлар имкониятини юқори баҳолаган бўлса-да, унда кучлар тенг келди — 1:1.

Тошкентда ўтган «Бунёдкор» — «Навбахор» жамоалари ўйинида эса йирик ҳисоб қайд этилди. Унда бунёдкорчилар рақиблари дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритдилар — 5:0.

Биринчи даврада ўзининг чиройли ўйинлари билан муҳлислари хурсанд қилган «Гулистон» футболчилари эса яна очко йўқотди. Ўтган турда Бекободда «Металлург» вакилларига имкониятни бой берган (5:3) гулистонликлар бу гал ўз майдонида «Нефчи» жамоасига ютказди — 0:3.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Олмалик» — «Шўртан» — 0:0, «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 1:4, «Қизилқум» — «Металлург» — 1:0, «Бухоро» — «Динамо» — 0:2.

Йигирманчи тур баҳслари 28-29 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

Ўқувчиларимнинг муваффақияти — менинг бахтим

1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни



Ў.А. олган сурат.

Ўқитувчи, муаллим, тарбиячи, мураббий сўзларини эшитган ҳар бир кишининг кўз ўнгига меҳрибон, камтар, миллат келажигага масъул фидойи инсонлар гавдаланади. Халқимизнинг «Ўстоз отангдек улғу» деган пурмасоно ҳикмати замирида ҳам ўқитувчи ва мураббийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдек эзгу фазилатимиз мўжассам.

...Ойбек ака ҳар галгидек барвақт келиб, лаборатория хонасида навбатдаги дарсга тайёргарлик кўришга киришди. Кўнғироқ чалинган, ўқувчилари хонага кириб келди. Амалий машғулот бошланди.

Бу — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номидаги академик лицейидаги одатдаги манзара. Мазкур даргоҳда бир неча йиллардан буён билимга чанқок ўғил-қизларга қимматли қўл билан ўргатиб келаётган жонқуяр муаллим, «Шўхрат» медалли соҳиби Ойбек Холиқов ҳар йили ўнлаб шогирдлари тиббиёт ва табиий фанлар йўналишидаги олий ўқув юртралига талабалikka қабул қилинаётганини мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига қаратилаётган улкан эътиборнинг самараси деб билади.

— Бугунги ўқувчиларим билан ўзимнинг ёшлик давримни қиёсласам,

жуда катта фарқни кўраман, — дейди О.Холиқов. — Биз ўқиган пайтларда ҳозиргидек шарт-шароит, илмга чанқок ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга эътибор қармакда эди. Мактабни битирган ўқувчи қайси олий ўқув юртига ҳужжат топширишни, келажакда қайси касбни танлашни билмай қийналарди. Чунки ўша даврларда ўқувчининг иқтидори ва салоҳиятига қараб, уни ўзи қизиққан соҳага йўналтириш, қўшимча билим бериш, фан тўғралакларига жалб этиш деган гаплар йўқ эди. Бугун ёшларимизнинг ўзи қизиққан ва танлаган соҳалар бўйича таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, фан олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақаларида иштирок этишга қўл кўчиргани билан таълим-тарбиянинг яратилган. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими?!

Ойбек Холиқов мазкур лицейда дарс бериш билан бирга, қимматли бўйича мамлакатимиз терма жамоа-

си раҳбари сифатида иқтидорли ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида қимматли бўйича ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган энг иқтидорли ўқувчилар ўртасида кечган билимлар баҳсида С.Сирожиiddинов номидаги академик лицей ўқувчилари — Билолиддин Шарофиддинов ва Дилшода Ортиқбоева олтин медалга сазовор бўлди.

Бу икки ўқувчи яқинда Жаҳон қимматли олимпиадасида бронза медалларни қўлга киритди. Билолиддин Тошкент тиббиёт академиясига тест синовларисиз қабул қилинган бўлса, Дилшода академик лицейда қимматли сирларини янада чуқур ўрганмоқда.

— Устозимиз шогирдларини доимо излашишга ундайди, — дейди лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Д.Ортиқбоева. — Қимматли мураккаб масалаларни фақат билиш эмас, балки дарс ва машғулотлар жараёнида уларни самарали қўллаш олиш, мустақил фикрлаш, ўз қобилиятимизни намоён этишимиз учун тинимсиз ўқишимиз кераклигини ўқиради. Нуфузли фан олимпиадаларида ютқларимни қўлга киритишимизда устозимизнинг ана шундай маслаҳатлари жуда қўл келган.

— Ўқувчиларимнинг муваффақияти — менинг бахтим, — дейди О.Холиқов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, юксак интеллектуал салоҳият ва маънавият соҳиблари этиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида юксак натижаларни қўлга киритаётганидан чексиз қувонамиз. Бундай ғамхўрликка жавобан янада фидойи бўлишимиз, келажакимиз ворисларига таълим-тарбия бериш баробарида уларга меҳр-эътибор кўрсатишимиз даркор.

Байрам АЙМУРДОВ,
Ў.А. мухбири.

FIDE Гран-приси: ГРОССМЕЙСТЕРЛАР БАҲСИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида шохмат бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган FIDE Гран-присининг учинчи босқич баҳслари қизғин давом этмоқда.

Спорт



Дастлабки икки турда Сюэ Чжао (Хитой) ҳамда Бела Хотенашвили (Грузия)ларга имкониятни бой берган ҳамюртимиш Нафиса Мўминова навбатдаги учрашувда ғалаба қозонди. Истеъдодли шохматчимиз қозғистонлик Гулисан Нахбаевага қарши оқ донларда ўйнади ва илк очкони қўлга киритди. Аммо тўртинчи турда халқаро гротсмейстер россиялик Ольга Гирья билан ўтказилган партияда Нафисага яна бироз тажриба етишмади. Оқ донларда ўйнаган россиялик шохматчининг қўли устун келди.

Тўртинчи турдан сўнг ҳозирча 3,5 очко жамғарган ҳиндистонлик Хампи Конеру мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳамюрти Харика Дроновалли эса 3 очко жамғарган. Украинлик Катерина Лагно ҳамда хитойлик Сюэ Чжаолар ҳисобида эса 2,5 тадан очко бор. Шунингдек, Антуанетта Стефанова (Болгария), Цзю Вен-цзюн (Хитой), Ольга Гирья (Россия), Бела Хотенашвили (Грузия) — 2, Александр Костенюк (Россия) — 1,5, Нафиса Мўминова (Ўзбекистон), Элина Даниэля (Арманистон), Гулисан Нахбаева (Қозғистон) — 1 тадан очко билан кейинги поғоналарни банд этишган.

Кеча эса турнирнинг бешинчи тур учрашувлари ўтказилди. Унда шохматчимиз Нафиса Мўминова Цзю Вен-цзюнга қарши оқ донлар билан ўйнади — 1:0.

Қолган жуфтликларда қуйидаги шохматчилар ўзаро куч синашди:

Катерина Лагно — Александра Костенюк — 1:0
Антуанетта Стефанова — Хампи Конеру — 0,5:0,5
Харика Дроновалли — Элина Даниэля — 1:0
Сюэ Чжао — Ольга Гирья — 1:0
Бела Хотенашвили — Гулисан Нахбаева — 1:0.

Эркин ХОЛБОБО

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoa-hillik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kuni chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946

10485

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22.00

Topshirilgan vaqti — 23.30

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5